


Мавзу: товар пул муносабатлари
ривожланиши бозор иқтисодиёти
шаклланиши ва амал қилишининг асосидир.



Марузачи: Алиева Г₁

23.01.2013

Режа

1. Ижтимоий хўжалик шакллари. Натурал ва товар ишлаб чиқаришнинг белгилари ва фарқлари. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиши сабаблари.
2. Товар ва унинг хусусиятлари. Товар қийматининг миқдори. Меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи: аниқ меҳнат ва абстракт меҳнат. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигининг товар қиймати миқдorigа таъсири.
3. Қийматнинг меҳнат назарияси. Қиймат қонуни. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси.
4. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва унинг асосий вазифалари.
5. Ўзбекистонда миллий валюта - сўмнинг муомалага киритилиши босқичлари ва уларнинг аҳамияти.


Ишлаб чиқариш шакллари

Ишлаб чиқариш иккита умумий
шаклда юз беради

- 1 Натурал ишлаб чиқариш.
- 1 Товар ишлаб чиқариш.
- 1 Шунга кўра натурал ва товар
маҳсулоти мавжуд бўлади.



Ижтимоий хўжаликни ташкил этиш шакллари




Натурал ишлаб чиқариш

- 1 Натурал хўжалик шароитида маҳсулот айрибошланмайди ва ишлаб чиқарувчининг ўзи учун ҳаётий воситага айланади: ишлаб чиқариш ҳамда истаъмол воситалари сифатида унинг ҳар бир киши эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Ишлаб чиқарувчи меҳнат жараёни учун керак бўлган воситаларни ўзи яратади. Натурал хўжаликнинг дастлабки асоси аввал ер, кейинчалик хонаки саноат бўлган.

Натурал хўжалиги назариётчилари

- 1 Платон ўзининг “Сиёсат ва давлат” асарида натурал қулдорлик хўжалигини асослаб жамиятдаги ҳар қандай душманликни келтириб чиқарадиган ягона манба-пул деб ҳисоблайди ва натурал хўжаликни ҳимоя қилади. Платон фикрига кўра натурал хўжалик жамият аъзолари ўртасидаги иқтисодий табақаланишга чек қўяди.
- 1 Натурал хўжаликнинг йирик назариётчиси Аристотел уни мустаҳкамлаш билан биргаликда товар хўжалигини ривожлантириш керак. Лекин бунда товар ишлаб чиқаришдан мақсад ўз эҳтиёжини қондириш деб ҳисоблайди.



Платон
(Aflotun,
taxminan m.a.
427-347 уу.)

НАТУРАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Бунда
инсонлар
бозорда
айирбошлаш
учун эмас
балки
ўзларининг
эҳтиёжларини
қондириш
учун маҳсулот
ишлаб
чиқарадилар.



Ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида
тўғридан-тўғри алоқа "ишлаб чиқариш
-тақсимот - истеъмол"

Жамият хўжалик бирликлари (якка деҳқон хўжалиги, жамоа хўжалиги, йирик ер эгелари) йиғиндисидан иборат. Ҳар бир бирлик **ишлаб чиқариш ресурсларига** таянади ва яшаб қолиш учун ўзини ўзи таъминлайди. У турли кўринишдаги хомашёни излаб топишдан тортиб, якуний истеъмолга тайёр ҳолда етказишгача бўлган барча ишларни бажаради. Бунда **оддий техника**; омор, кетмон каби қўлда ишлатиладиган меҳнат қуроллари қўлланилади. Меҳнат фаолияти кам фойдали бўлади, **ишлаб чиқариш тез суръатларда ўсмайди.**

Товар хўжалиги

- 1 Товар хўжалиги натурал хўжаликдан фарқли ўларок, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол қилувчиларнинг алоқа қилишини тақазо этади. Товар ишлаб чиқариш деганда маҳсулотни бозор учун, яъни уни пул воситасида олди сотди қилиш учун яратилишини тушуниш керак.



Товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитлари:

- 1 ишлаб чиқарувчиларнинг муайян товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви юз берувчи ижтимоий меҳнат тақсимооти;
- 1 ишлаб чиқарувчиларнинг мулкий муносабатлар орқали бир-биридан иқтисодий алоҳидалашуви

ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Бунда маҳсулот шахсий истеъмол учун эмас, балки айирбошлаш учун ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги алоқа эса бозорда амалга ошади.

Очиқ
хўжалик



Жамоага тақсимланган
меҳнат



Ишлаб чиқариш ва истеъмол
боғланиши "ишлаб чиқариш -
айирбошлаш - истеъмол" формуласи
асосида бозор орқали амалга ошади

Товар ишлаб чиқариш қуйидагича фарқланади:

.Оддий - хусусий мулкчиликка ва ишлаб чиқарувчининг шахсий меҳнатига асосланади.

.Кенгайтирилган - хусусий мулкчиликка ва ёлланма ишчи кучига асосланади!

23.01.2013

Натурал ва товар хўжаликларининг бир-биридан фарқланиши

1. Моддий неъматларни ишлаб чиқариш мақсади	Шахсий эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиш	Бошқа товарларга айирбошлаш, бозорда олди-сотди қилиш
2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибининг аниқланиши	Эҳтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда олдиндан аниқланади	Бозордаги муайян талаб ва ишлаб чиқарувчининг хусусий манфаати асосида аниқланади
3. Истеъмолчини ўзига жалб этиш учун кураш	Бундай кураш мавжуд эмас	Бундай кураш мавжуд ва товар хўжалигининг ривожланиши билан кучайиб боради
4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмол қилиниши даражаси	Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўлалигича истеъмол қилинади	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар айрим турлари ва қисмларининг сотилмай қолиши, яъни истеъмол килинмаслиги
5. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучининг иштирок этиш тамойиллари	Ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўзининг ва оила аъзоларининг ишчи кучидан фойдаланилади	Ишлаб чиқариш жараёнида ёлланма ишчи кучидан ҳам фойдаланиш мумкин

Товар - олди-сотди объекти
ҳисобланувчи моддий-ашёвий
ва идеал шаклдаги иқтисодий
ишлаб чиқариш фаолиятининг
маҳсули. Ҳар қандай товар
икки иқтисодий хусусият
эга.

Эҳтиёжни қондириш
хусусияти

Айрибошлаш

1 Товарнинг икки хил хусусиятига эга бўлишига сабаб товар ишлаб чиқарувчи меҳнати табиатининг икки тамонламалигидир.

1 Аниқ меҳнат

1 Абстракт меҳнат

Қиймат нима?

- 1 Қиймат меҳнат натижасида ишлаб чиқаришнинг ўзида яратилади. Лекин бозорда намоён бўлади. Товар буюм шаклида бўлади, унинг қийматини буюмлар муносабати деб унга моддий тус бериш нотўғри. Қиймат товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатни билдиради. Қисқаси қиймат бу иқтисодий категориядир.
- 1 Қиймат тарихий категория бўлиб, товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши билан боғлиқ, чунки у фақат товарнинг хусусиятидир.

Товар қиймати ҳажми

**Товар қийматга
эга. Қийматнинг
ҳажми масаласида
учта йўналиш
мавжуд:**

**Қиймат
индивидуал ва
умумий бўлади:**
Индивидуал - ҳар
бир алоҳида
олинган ишлаб
чиқарувчи товари
қиймати; **Умумий**
қиймат бозорда
юзага келади.

Марксча: қиймат ҳажми товарда гавдаланган меҳнат миқдори билан аниқланади ва икки омил таъсири остида

бўлади:

- меҳнат унумдорлиги** - бу вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;
 - меҳнат интенсивлиги** - вақт бирлигида сарфланган меҳнат миқдори.
- Меҳнат унумдорлигининг** ошиши товар қиймати ҳажмини пасайтиради.
Меҳнат интенсивлигининг ўсиши қийматнинг умумий массасини оширади, аммо маҳсулот бирлиги қиймати ўзгармайди.

Австрия мактаби товар қиймати **ресурслар**
чегараланганлиги ва **ноёблиги** ва маълум гуруҳ
товарларнинг энг сўнгги намунаси келтирадиган нафлилик
билан аниқланади деб ҳисоблайдилар.

Кембриж мактаби товар қиймати қуйдагича
аниқланади деб ҳисоблайдилар:

- ишлаб чиқариш харажатлари;**
- талаб ва таклиф;**
- сўнгги нафлилик.**

Товар ва унинг хусусиятлари

Товар - бу бирон-бир нафлиликка (истеъмол қийматга) ва алмашув қийматига эга бўлган, бозор учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматлардир

Товарнинг хусусиятлари

истеъмол қиймати (нафлилиги)
кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжини
қондира олиш қобилияти

қиймати - бир турдаги
товарнинг бошқа турдаги
товарга айирбош қилинадиган
миқдорий нисбати

**Индивидуал
нафлилик -**
алоҳида
истеъмолчининг
субъектив-руҳий
ҳолати нуқтаи-
назаридан
баҳоланган
нафлилик

**Ижтимоий
зарурий нафлилик**
талаб миқдорига
мос келадиган
миқдордаги
нафлилик

Қийматнинг меҳнат назарияси. Бу назариянинг асосчилари бўлиб Уильям Петти, Адам Смит, Давид Рикардолар ҳисобланади.

У.Петти - қийматнинг меҳнат назариясининг дастлабки асосчиси бўлиб, у қийматнинг манбаи меҳнат ҳисобланишини, айнан меҳнат сарфи товар қиймати миқдорини белгилаб беришини кўрсатиб ўтган. Бироқ, У.Петти товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни кўра олмаган. У товарнинг қиймати фақат қимматбаҳо металлари ишлаб чиқаришга сарфланувчи меҳнат орқали яратилади, деб ҳисоблаган.

А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар» (1776 й.) номли асарида товарнинг истеъмол ва алмашув қийматини фарқлаб берган. У товар қийматининг ягона манбаи бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай соҳасида сарфланган меҳнат ҳисобланади, деган хулосага келган. Шу билан бирга, товар қийматининг миқдорини ҳар қандай меҳнат эмас, балки жамият учун зарур бўлган ўртача меҳнат белгилаб беришини кўрсатиб ўтган.

Д.Рикардо қийматнинг ягона мезони бўлиб товар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамда иш вақти сарфлари орқали аниқланувчи меҳнат ҳисобланишини исботлаб берган. У товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб, ҳар қандай ишлаб чиқаришда товарнинг қиймати сарфланган меҳнат орқали аниқланишини таъкидлаган.

1 Товар нархининг ижтимоий қийматидан четга чиқиш шарт шароитлари қуйидагилардан иборат:

1 Талаб = таклиф бўлган ҳолда нарх = қиймат.

1 Талаб $>$ таклиф бўлган ҳолда нарх $>$ қиймат.

1 Талаб $<$ таклиф бўлган ҳолда нарх $<$ қиймат.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси.

1 Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг асосчилари бўлиб австрия мактаби вакиллари К.Менгер(1840-1921), Ф.Визер(1851-1926), Е.Бем-Баверк(1851-1914) ва бошқалар ҳисобланади. Ҳозирда бу назария ғояларини бир қатор олимлар қўллаб-қувватлаб, ривожлантириб келмоқдалар. Мазкур назарияга кўра, кишилар томонидан жуда хилма-хил моддий ва маънавий неъматлар (ҳамда хизматлар) уларни ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат сарфланганлиги учун эмас, балки ушбу неъматлар нафлиликка эга бўлиши сабабли қадрланади. Инсонлар томонидан маълум нафлиликларга эҳтиёж сезилганлиги сабабли у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари амалга оширилади.





- 1 Қиймат ва нарх назариясида янги йўналишни бошлаб берган киши машҳур инглиз иқтисодчиси А. Маршалл ҳисобланади. Товарларнинг қийматини аниқлашда меҳнат назарияси ҳам, қўшилган нафлилик назарияси ҳам етарли асосга эга эмас, деб ҳисоблаган А.Маршалл бир нечта назарияларни синтез қилиш йўли билан аниқлик киритишга ҳаракат қилди. Қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг бир томонлилигини у қийматни фақат нафлилик билан тушунтиришда кўрди. А. Маршалл кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясини талаб ва таклиф назарияси ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари назарияси билан боғлашга ҳаракат қилди.
- 1 А. Маршалл фикрича, товар қиймати тенг даражада кейинги қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади.

Пул - товарларнинг айрибошlashда умумий эквивалент
вазифасини бажарувчи махсус товар

Пулнинг вазифалари

```
graph TD; A[Пулнинг вазифалари] --- B[Қиймат ўлчови]; A --- C[Муомала воситаси]; A --- D[Жамғариш воситаси]; A --- E[Тўлов воситаси];
```

Қиймат ўлчови

Муомала
воситаси

Жамғариш
воситаси

Тўлов
воситаси

Пулнинг ривожланиш босқичлари

```
graph TD; A[Пулнинг ривожланиш босқичлари] --> B[товар пуллар - турли маҳсулотлар пул вазифасини бажарган]; A --> C[тўла қийматга эга пуллар - олтин ёки кумуш тангалар]; A --> D[тўла қийматга эга бўлмаган пуллар - қоғоз пуллар, оддий металл тангалар]; A --> E[кредит пуллар - вексел, банкнот, чек, кредит карточкаси];
```

товар пуллар -
турли маҳсулотлар пул
вазифасини бажарган

тўла қийматга эга пуллар
-
олтин ёки кумуш тангалар

**тўла қийматга эга
бўлмаган пуллар** - қоғоз
пуллар, оддий
металл тангалар

кредит пуллар -
вексел, банкнот, чек, кредит
карточкаси

Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг икки хил мазмуни



Тест

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш нима?

- А) ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш жараёни;
- Б) истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш жараёни;
- В) ишчи кучини ишлаб чиқариш жараёни;
- Г) жамият миқёсида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни.

2.Натурал хужаликда нима булмайди?

А) мехнат куроллари

Б) пуллар

В) Вакт

Г) ресурслар

3. Барча товарлар учун умумий эквивалент булган товар нима?

- А) пул
- Б) Машина
- В) Бугдой
- Г) киймат

4.Товар деб нимага айтилади?

А)Купчилик харидорларнинг муай-ян товарни сотиш ва сотиб оли-шга булган талаб ва таклифи;

Б) Буюм шаклида ифодаланма-ган хар хил нарсалар ва хизматлар;

В) Буюм шаклида ифодаланган кишиларни эхтиёжини кондирадиган айрибошлаш учун ишлаб чикарилган махсулот

Г) Инсон тирикчилигини таъминлаш усуллари ва воситалари мажмуи

5. Пул деб нимага айтилади?

- А) Миллий валюта курсининг давлат томонидан расман пасайтирилиши;
- Б) Давлатнинг пул-кредит борасидаги сиёсати;
- В) Барча товарлар учун умумий эквивалент булган товар;
- Г) Факат баъзи иситиш товарлари.

6.Натурал хужалиги нима?

- А) жамият учун табиий натурал махсулотни ишлаб чиқарувчи хужалик;
- Б) ишлаб чиқаришни ташкил этиш машина ва техникаларга эмас қўл меҳнатига асосланган хўжалик;
- В) бозорда айрибошлаш учун, сотиш учун ишлаб чиқарилган хўжалик;
- Г) бозорда сотиш учун эмас, уз истеъмоли учун махсулот ишлаб чиқариш асосидаги хужалик.

7. Кадимда кайси давлатда пул урнида чой ишлатилган?

- А) Хитой;
- Б) Хиндистон;
- В) Манголия;
- Г) Миср.

8. Натурал хужаликнинг товар хужалигидан фарки нимада?

- А) натурал хужаликда натурал хужалигидаги махсулот товар эмас факат соф махсулот табиий холда олинади ёки бозорда сотилади;
- Б) товар хужалигида ишлаб чиқарилган махсулот, натурал хужаликдагидан фаркли уларок алмашинади ёки бозорда сотилади;
- В) товар хужалигида ишлаб чиқарилган махсулот сифати юкори булади ёки бозорда сотилади;
- Г) товар хужалигида маълум бир иш вақтида натурал хужалигидаги нисбатан купрок махсулот ишлаб чиқарилади ёки бозорда сотилади.

9. Товар хужалиги нима?

- А) мукаммал машина ва асбоб –
ускуналар ишлатиладиган хужалик;
- Б) катта хажмда махсулот ишлаб
чиқарувчи;
- В) сотиш учун махсулот ва ишлаб
чиқарувчи ва хизмат курсатувчи
ташкилот;
- Г) ўзи учун махсулот ишлаб чиқарувчи

10. Пулнинг қайси вазифаси нархнинг шаклланиши билан боғлиқ?

- А) муомала воситаси;
- Б) тўлов воситаси;
- В) қиймат ўлчови;
- Г) жамғарма воситаси;
- Д) жаҳон пули.

ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ